



Фракция йиғилиши

2013 йилда Омбудсманга фуқаролардан 11733 та мурожаат келиб тушган

## Омбудсман ҳисобот берди

### Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Ҳеч ким бирон идоранинг эшигини бесабаб тақиллатмайди. Арзимас масала билан мансабдор шахнинг қабулига келишга иштиқола қиламиз. Менталитетимиз шундай. Модорасига, фуқаро давлат идорасига, мансабдор шахсга мурожаат қилиб келаятган ёки аризами, шикоятми ёзаётган экан, унинг сабаби, асоси бор.

ЎзХДП фракцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра Рашидова 2013 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот бераётганда шу масалага алоҳида эътибор қаратди.



Фракция йиғилишида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. 2013 йилда мазкур қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари негизда ўтказилган ҳуқуқий эксперимент қонун ижодкорлигини такомиллаштиришда янги имкониятлар яратди.

Давоми 2-бетда.

ЎзХДП бош мақсади: ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Яқинда Самарқанд вилояти Жомбой туманида «Сам угол-комфорт» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Мазкур корхона йилга 3 миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга.

### Янги корхона — янги иш ўринлари

— Ўтган йили туманимизда намунавий лойиҳа асосида 70 та замонавий уй қад ростлади, — дейди **корхона раҳбари Жамшид Давронов**. — Жорий йилда улар сони янада ортади. Бу уйлارни бунёд этаётган қурилиш корхоналарига зарур бўлган пишиқ гишпларни бозор нархидан арзон ва сифатли қилиб етказиб бермоқдамиз.

— Янги корхона ишга тушиши натижасида қишлоқ ёшларининг 50 нафари доимий иш ўрни билан таъминланди, — дейди **ЎзХДП Жомбой тумани кенгаши раиси Сангалат Мовсева**. — Бу эса партиямиз мақсад ва гоёларига ҳамохандир.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### «Ишонч телефони»

— ИСТЕЪМОЛЧИ ҲИМОЯЧИСИ

Бугунги кунда аҳолини қийнаётган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этишда давлат идораларининг «Ишонч телефон»лари муҳим восита вазифасини ўтамоқда. Давлат солиқ қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий давлат солиқ идораларига ўрнатилган «Ишонч телефон»ларига ҳам фуқаролардан кўплаб мурожаатлар бўлмоқда.

— Мурожаатларнинг аксарияти савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо қоидалари билан боғлиқ масалалар хусусида, — дейди **Давлат солиқ қўмитаси навбатчи қисм бошлиғи вазифасини бажарувчи Мирабзал Мирзамахмудов**. — Жумладан, 2014 йил 1 февраль ҳолатига давлат солиқ хизмати органларининг «Ишонч телефон»ларига келиб тушган фуқароларнинг мурожаатлари асосида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 98 ҳолатда жами 8161,3 минг сўм назорат-касса машинасига кириш қилинмаганлиги, 40 ҳолатда тегишли хужжатларсиз маҳсулотлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда 7 та ҳолатда бошқа солиқ қонунчилигини бузиш ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан чора кўрилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### ЎзХДП: тажриба ва таҳлил

Бугун давр сиёсий партиялар олдига қўяётган муҳим вазифалар ижроси кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотларнинг фаоллигига боғлиқ. Бошланғич ташкилот партиянинг асосий таянчи бўлиб, сиёсий партиянинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

## Бошланғич партия ташкилоти

электрат орасида фаолият юритади, бу унинг зиммасига катта масъулият юклайди

Бошланғич ташкилотлар жойларда партиямиз гоёвий мақсадларини тарғиб қилиш билан биргаликда электратни ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаши, таҳлил қилиши ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан партия гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши керак. Қаерда иш шундай ташкил этилган бўлса, ўша ерда бошланғич ташкилотнинг нуфузи ошади, партия ташкилотининг фаолияти ҳам самарали бўлади. Шу боис ҳам бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади.

Айни кунда Тошкент вилоятида ЎзХДПнинг 30 мингдан зиёд аъзоси бор. Улар 900 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Биз уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, жамоатчилик назорати функцияларидан фойдаланиш тажрибасини орттиришга ҳаракат қилаёلمиз. Партия аъзоларининг сиёсий ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказиладиган сиёсий кўв масгулотлари, семинар-тренинг ва давра суҳбатларини кўпроқ бошланғич ташкилотларда ташкил этилаётган. Натижада кўйи бўгинларимиз фаоллиги ошиб бормоқда.

Давоми 2-бетда.

### ЎзХДП Сайловолди дастуридан:

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиш, жойларда давлат дастурлари, ҳудудий дастурларнинг изчил бажарилишини назорат қилиш, муқобил таклифлар бериш, бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг иштирокини кучайтиришни асосий вазифаси, деб ҳисоблайди.**

## Мен нега ЎзХДПни танладим?

Ёшлигимдан ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқаман. Ўша пайтлардаёқ сиёсий партияга аъзо бўлиш ҳақида ўйлаб юрардим. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партиянинг дастурий мақсадлари билан танишман. Уларнинг амалий ишларини ҳам кузата бошладим. Хусусан, ЎзХДП Навоий вилоят ва Навбахор туман кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларнинг бирида иштирок этдим.

Унда «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиларининг ташаббуслари, партия томонидан ўтказиладиган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови ҳақида ҳам гапириб ўтишди. Айниқса, ЎзХДПнинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз ишини бошлаши учун имтиёзли микрокредитлар буйича режа ўйлаб юргандим. Шу тадбирдан сўнг партия фаолларининг кўмаги билан банкдан 3 миллион сўм кредит олиб, ўз ишимни йўлга қўйдим. Шунингдек, партия ташаббуси билан ташкил этилган «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасидаги тадбирда ҳам қатнашдим. Партия фаоллари маҳаллаларда бўлиб, оддий одамларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб чиқишди, сўнгра уларга ижтимоий кўмак

бериш масалалари муҳокама қилинди, вазифалар белгилаб олинди. Ана шу тадбирлар чоғида ЎзХДПга қизиқишим янада ортди ва унга аъзо бўлишга қарор қилдим.

Партиянинг Навбахор туман кенгаши раиси Умрзоқ Жўраевдан партия ташаббуслари ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги гуруҳи фаолияти ҳақида янада тўлиқроқ маълумот олдим. Суҳбатдан сўнг партияга аъзо бўлиш учун ариза ёздим.

Яқинда бир гуруҳ ёшлар қатори менга ҳам ЎзХДПнинг аъзолик гувоҳномаси топширилди. Энди мен ҳам бор кучим, билимим билан ўзим ишонган ва хайрихоҳ бўлган партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қиламан.

Сиёсий партияга аъзо бўлиш зиммамга катта масъулият юклашини яхши биланаман. Чунки, мен энди мамлакатимиздаги йирик сиёсий партия аъзосиман.

Гулшаной ҲАЙИТОВА, Навбахор тумани.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

### Электрат ишончини оқлай олаёلمизми? Ҳар доим шу ҳақда ўйлашимиз керак



www.uzbekistonovozi.uz

### Нуқтаи назар

— ЎзХДП Сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, бандлик даражасини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ўтган йили Тошкент шаҳар партия кенгаши, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги гуруҳимиз бу борада қатор эътиборга молик ишларни амалга оширди. Партия гуруҳи ташаббуси билан шаҳарда иш ўринлари ташкил этиш борасида қўшимча имкониятлар ўрганилди ва шу билан боғлиқ икки масала шаҳар Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди. Муҳокамалар жараёнида ЎзХДП депутатлари бу борадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан асосли таклифлар билдирди.

Биз шу билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Ҳар бир депутат ўз сайлов округида бу масалани доимий назоратга олган. Шунингдек, Жамоатчилик қабулхоналарига ишга жойлаштиришда ёрдам сўраб мурожаат қилган фуқароларга амалий кўмак ва тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Ҳар бир партия ташкилоти ва депутат жорий йилда ҳам бу долзарб масалага эътиборни янада кучайтириши лозим. Буни учун жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш

йўналишларидан бири — оилавий тадбиркорлик, катта сармоя талаб қилмайдиган косибчилик, халқ хунармандчилиги, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш бўйича амалий таклифлар, янги лойиҳалар ишлаб чиқишимиз керак.

Ҳар биримиз ўз сайлов округимизда ана шу соҳалар ривожланиши учун зарур шароитлар яратишда ташаббускор бўлсак, самарали депутатлик назоратини олиб борсак, бу борада кўплаб муаммолар ечим топади, иш ўринлари яратиш имкониятлари кенгайди. Ишга жойлаштиришда қийинчиликка дуч келаятган партия электрат вакиллари аниқлаш, улар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча шароит юзага келади.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган уч томонлама шартнома шартларининг бажарилишини доимий назоратга олсак, битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи самарали ҳал этилади.

### Жасур КУЛМУҲАММЕДОВ,

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси:



### ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Бухоро вилоятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган амалий семинар ўтказди. Унинг тафсилотлари билан газета-мизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

Фракция ййгилиши

# Омбудсман ҳисобот берди

## Инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ қонун лойиҳалари муҳокама қилинди



**Омбудсман томонидан олиб борилган тизимли мониторинг натижалари ва хулосаларни давлат органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга доир фаолиятини тақомиллаштириш, инсон ҳуқуқларига ҳурмат маданиятини шакллантиришда зарур манба вазифасини ўтайди.**

миллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади. 2013 йилда Омбудсманга фуқароларнинг 11733 та мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг 4230 таси (54,8 фоизи) фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари, 2343 таси (30 фоизи) ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар билан, қолган мурожаатлар эса сиёсий, экология ҳуқуқлари ва бошқа масалалар билан боғлиқ бўлган.

Хисоботда келтирилишича, мурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан ошган. Хусусан, фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқига доир мурожаатлар сезиларли даражада кўпайган. Бу масала бўйича тушган 113 та мурожаатдаги факт ва далиллар асосли деб топилди, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини тиклаш чора-тадбирлари кўрилган.

Омбудсман томонидан назоратга олинган мурожаатларнинг ижобий ҳал этилиши кўрсаткичи ўтган йиллардаги қараганда яхшиланган. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи қай даражада амалга оширилаётганини ўрганиш мақсадида республикамизнинг барча маъмурий ҳудудларида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича мониторинг ўтказилган.

С.Рашидова мазкур мониторинг натижалари асосида чиқарилган хулосалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Маълум бўлишича, айрим ҳолларда мурожаат қилувчи фуқароларнинг тегишли қонунлардан хабардорлиги етарли эмаслиги ортиқча ва такрорий мурожаатлар кўпайишига олиб келмоқда.

Баъзи раҳбарлар, мансабдор шахсларнинг қонун талабларига бепарволик билан муносабатда бўлиши, инсон ҳуқуқлари асосларини яхши билмаслиги фуқаролар ҳуқуқлари бузилишининг жиддий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хисобот йилида қонунчилик мувофиқ Омбудсман томонидан 15 та қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси амалга оширилган.

**Алия ЮНУСОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Фуқаролар мурожаатлари орқали жамоатчиликнинг фикри ва кайфияти, давлат ҳокимияти органлари фаолияти билан боғлиқ турли масалалар аниқланади. Айрим мурожаатларда кўтарилган масалалар қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлифларни шакллантиришга, давлат идоралари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликларни аниқлаб, баҳо беришга асос бўлади.

Бир сўз билан айтганда, мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисида амалга оширилиши фуқаролар ва давлат органлари ўртасидаги муносабатни демократлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Омбудсман томонидан олиб борилган тизимли мониторинг натижалари ва хулосалари давлат органларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга доир фаолиятини тақомиллаштиришда зарур манба вазифасини ўтайди.

**Дилбар ВОЛИҚОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мурожаат этилаётган қонун лойиҳаси партиянинг Дастуридан ўрин олган барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши кераклиги ҳақидаги гоёяни янада кенгроқ амалга оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг тегишли меъёрлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатлари ҳимоясини қароғлаш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш тўғрисидаги ахборотларнинг жамоатчиликка етказиш ишларини яхшилашда ўзига хос ўрин тутади.

Жаҳонда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши, оилалар ва болалар турмуш тарзи, эркаклар ва аёллар тенглиги, умуман, жамиятнинг кундалик ҳаётини очиқ-ошқора кўрсатадиган ахборотларга бўлган эҳтиёж ўсиб бораётгани кўп такрорланаяпти.

Давлат органлари фаолиятининг очиқлигига барқарорлик ва хавфсизликка путур етказадиган салбий омир сифатида қараш дунёда борган сайин камайиб бормоқда. Қатор халқаро экспертлар ахборот манбаларининг очиқлиги фуқароларнинг ўзи яшаётган ҳудуд, ишлаётган соҳаси ҳақида равшан тасаввурга эга бўлиши ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда

Фракция ййгилишида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. 2013 йилда мазкур қонун лойиҳаси синови бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари негизда ўтказилган ҳуқуқий эксперимент қонун ижодкорлигини тақомиллаштиришда янги имкониятлар яратди.

Хусусан, эксперимент жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, бу борадаги ахборотларни оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти-

нинг бошқа институтларига, фуқароларга тақдим этиш тамойилларини белгилаш бўйича тақлиф ҳамда тавсиялар олинди. Эксперимент жараёнида депутатлар, сиёсий партиялар, нодавлат ноҳижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол қатнашди. ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан ҳам қонун лойиҳаси юзасидаги партия экспертлари, электротар вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирокчи муҳокамалар ўтказилиб, аҳоли фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Бу тадбирлар қонун лойиҳаси бўйича фракция позициясини шакллантиришда муҳим асос бўлди.

Депутатлар ййгилиши кун тартибидан бошқа қонун лойиҳалари бўйича ҳам фракция позициясини ифода қилаётган тақлиф-мулоҳазаларни билдиришди. Фракция қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

**Тўлқин ТўРАХОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Таълим ва тарбия — мамлакат тараққиётининг мустақкам пойдевори

Бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўсиб келаятган авлод таълим тизими билан тўлиқ қамраб олинмаган, ёшларнинг кўпгина қисми фақатгина бошланғич таълим билан чекланиб қолган бир вақтда бизнинг мамлакатимизда таълим-тарбия, ёшлар келажиги учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Хозирда мамлакатимиздаги 4950 та мактабга таълим муассасасида 600 мингдан кўпроқ болаларимиз тарбияланаётган бўлса, 9739 та умумий ўрта таълим мактабида 4,5 миллиондан ортиқ ўғил-қиз дунёнинг кўпгина мамлакатлари фарзандлари ҳавас қилса арзийдиган замонавий масканларда таълим олмақда.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан мазмунан янги бўлган ўрта махсус касб-хунар таълими тизими шакллантирилди. Хозирги кунда мазкур таълим муассасаларида бозор иқтисодиёти шароитига мослаша оладиган кичик мутахассис кадрлар тайёрланмоқда.

Республикамиздаги 1554 та коллеж ва лицейда тахсил олаётган 1 миллион 600 минг нафардан кўпроқ ўқувчи 220 дан ортиқ йўналиш ва мутахассислик бўйича касб-хунар сирларини ўрганмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур таълим муассасаларининг деярли барчаси мустақиллик йилларида янгидан қурилди, капитал таъмирдан чиқарилди ва энг замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари ҳамда дарслик, ўқув қўлланмалар билан таъминланди.

Биргина мен депутат этиб сайланган Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги 9 касб-хунар коллежининг 7 таси, вилоятдаги мавжуд 118 ўрта махсус касб-хунар таълими муассасасининг 54 таси янгидан қурилган, 64 таси эса тўлиқ капитал таъ-

мирланди ва реконструкция қилинди. Тизимда мавжуд 126 та спорт залининг 90 таси янгидан барпо этилган кишини кувонтиради, албатта.

Таълим жараёни ислоҳ этиш ва меҳнат бозорига талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юрлари муҳим ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда замонавий ўқув куркуллари билан жиҳозланган, етук малакали мутахассислар тайёрлашга ихтисослаштирилган 58 олий ўқув юрти ва уларнинг 11 филиалида бугунги кунда 260 мингдан кўпроқ талаба ва магистр тахсил оляпти. Шунингдек, хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юрлари филиаллари фаолият кўрсатаётгани ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш имкониятини кенгайтирди.

Мазкур таълим муассасаларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Мазкур мутахассислар бугунги кунда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида самарали фаолият кўрсатаётгани таълим ислоҳотидан қўлланган мақсадлар ўз мевасини бераётганининг ёрқин мисолидир.

Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юртимиздаги туб ўзгаришлар, янгиланишларнинг асоси, десак, айна ҳақиқатини айтган бўламиз. Зеро, ҳар бир юртининг бугуни ва келажиги, том маънода, таълим тизимининг қай даражада ривожлангани, барқамол авлодни тарбиялаш учун яратилган шароит, ислоҳотларнинг натижалари билан белгиланади.

Масалан, партиянинг Олмалик шаҳри бошланғич ташкилотлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Хозирги кунда шаҳарда партиянинг 47 та куйи бўғини мавжуд. Улар орасида Олмалик шаҳар газ таъминоти идорасидаги бошланғич ташкилотни намуна қилиб кўрсатса арзийди. Бу жамоадаги ишчи-ходимларнинг 168 нафари ЎзХДП аъзосидир.

— Партияимиз аъзоларида ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга қизиқишни ошириш мақсадида аввало сиёсий ўқувлар сифатини ошириш, уларда долзарб партиявий мавзулар муҳокама қилинишига эътибор қаратаёلمиз, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Сивил Иманова. — Масалан, ўтган йили «Демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролар сиёсий маданиятини шакллантириш масалалари», «Электротар вакилларида юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш», «Конституция — мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори» каби

Бошланғич партия ташкилотимизда Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Қабулхонага тушган масалалар ечимини топишга ҳаракат қиламиз. Кучимиз етмаган жойига партия кенгаши раиси Баҳодир Содиков ёки халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Мавжуда Илёсовага мурожаат қиламиз.

Масалан, ўтган йили қабулхонага Олмалик саннат касб-хунар коллежини тасмоллаган Музаффар Абдумугалов ҳамда уй-жой қурилиш касб-хунар коллежини битирган Зиёда Шокирова мурожаат қилди. Биз улар билан суҳбатлашиб, қизиқишларини ўрганиб, идорамиз раҳбариятига тақдим этдик. Уларнинг назарий билимлари синовдан ўтказилгандан сўнг, ўзларига мос иш билан таъминланди.

Демак, партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар масъулиятини ошириш бўйича мунтазам иш олиб бора, уларнинг фаолияти янада жонланади. Бунинг учун туман ёки шаҳар кенгашларининг долзарб масаладаги тадбирларини кўпроқ бошланғич ташкилотларда уюштириш, БПТ режалари ижросига бағишланган ййгилишларини доимий равишда ташкил этиб бориш яхши самара беради, деб ўйлайман.

Очигини айтиш керак, айрим БПТ етакчиларида фаоллик, ташаббускорлик етишмади. Йил давомида бирор марта аниқ ташаббус ёки тақлиф билан чиқмаган куйи бўғинларимиз ҳам бор. Номига ййгилиш ўтказиш, номига етакчи бўлишдан ҳеч кимга фойда тегмайди. Аксинча, партияимиз нуфузига путур етиши мумкин. Бошланғич ташкилотларнинг туман ва шаҳар кенгашлари билан доимий алоқасини таъминласак, улар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб, ёрдам бериб борсак, ҳеч шубҳасиз, бундан партия ҳам, электротар ҳам фаяда манфаат қуради.

Агар БПТ етакчилари ижтимоий масалаларини ўрганиб, уларнинг натижаларини юқори партия ташкилоти ва партия гуруҳлари доирасига олиб чиқса, депутатларимиз Кенгашлар сессиялари муҳокамаларига масалалар киритиши учун асос бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз уларнинг тақлифларини қонунларда акс эттириш учун курашади. Демак, бошланғич ташкилотлар фаолигини кучайтириш орқали партиянинг жамиятдаги таъсир кучи ошади.

**Меҳроб ДАРХОНОВ,**  
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

ЎзХДП: тажриба ва таҳлил

# Бошланғич партия ташкилоти

электротар орасида фаолият юритади, бу унинг зиммасига катта масъулият юклайди



Масалан, партиянинг Олмалик шаҳри бошланғич ташкилотлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Хозирги кунда шаҳарда партиянинг 47 та куйи бўғини мавжуд. Улар орасида Олмалик шаҳар газ таъминоти идорасидаги бошланғич ташкилотни намуна қилиб кўрсатса арзийди. Бу жамоадаги ишчи-ходимларнинг 168 нафари ЎзХДП аъзосидир.

— Партияимиз аъзоларида ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга қизиқишни ошириш мақсадида аввало сиёсий ўқувлар сифатини ошириш, уларда долзарб партиявий мавзулар муҳокама қилинишига эътибор қаратаёلمиз, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Сивил Иманова. — Масалан, ўтган йили «Демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролар сиёсий маданиятини шакллантириш масалалари», «Электротар вакилларида юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантириш», «Конституция — мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори» каби

Бошланғич партия ташкилотимизда Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Қабулхонага тушган масалалар ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

Масалан, ўтган йили қабулхонага Олмалик саннат касб-хунар коллежини тасмоллаган Музаффар Абдумугалов ҳамда уй-жой қурилиш касб-хунар коллежини битирган Зиёда Шокирова мурожаат қилди. Биз улар билан суҳбатлашиб, қизиқишларини ўрганиб, идорамиз раҳбариятига тақдим этдик. Уларнинг назарий билимлари синовдан ўтказилгандан сўнг, ўзларига мос иш билан таъминланди.

Демак, партия кенгашлари бошланғич ташкилотлар масъулиятини ошириш бўйича мунтазам иш олиб бора, уларнинг фаолияти янада жонланади. Бунинг учун туман ёки шаҳар кенгашларининг долзарб масаладаги тадбирларини кўпроқ бошланғич ташкилотларда уюштириш, БПТ режалари ижросига бағишланган ййгилишларини доимий равишда ташкил этиб бориш яхши самара беради, деб ўйлайман.

Очигини айтиш керак, айрим БПТ етакчиларида фаоллик, ташаббускорлик етишмади. Йил давомида бирор марта аниқ ташаббус ёки тақлиф билан чиқмаган куйи бўғинларимиз ҳам бор. Номига ййгилиш ўтказиш, номига етакчи бўлишдан ҳеч кимга фойда тегмайди. Аксинча, партияимиз нуфузига путур етиши мумкин. Бошланғич ташкилотларнинг туман ва шаҳар кенгашлари билан доимий алоқасини таъминласак, улар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб, ёрдам бериб борсак, ҳеч шубҳасиз, бундан партия ҳам, электротар ҳам фаяда манфаат қуради.

Агар БПТ етакчилари ижтимоий масалаларини ўрганиб, уларнинг натижаларини юқори партия ташкилоти ва партия гуруҳлари доирасига олиб чиқса, депутатларимиз Кенгашлар сессиялари муҳокамаларига масалалар киритиши учун асос бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз уларнинг тақлифларини қонунларда акс эттириш учун курашади. Демак, бошланғич ташкилотлар фаолигини кучайтириш орқали партиянинг жамиятдаги таъсир кучи ошади.

**Меҳроб ДАРХОНОВ,**  
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

Давоми. Боши 1-бетда.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

# Таълим ва тарбия — мамлакат тараққиётининг мустақкам пойдевори



## мамлакат тараққиётининг мустақкам пойдевори

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

Юртининг эртанги кун қандай бўлиши бугун таълим муассасаларида илм-фан, касб-хунар сирларини ўрганаётган ўғил-қизларга боғлиқ. Ҳаётнинг шу ҳақиқати ҳар томонлама ҳисобга олинди, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимининг барча бўғинларида улкан ислохотлар амалга оширила бошланди. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» таълим тизимини бутунлай янги bosқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

2014 йилда давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Унинг 35 фоизи эса таълимга сарфланаёпти. Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида таълим тизимини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланганидек, ўтган йили республикамизда 28 та касб-хунар коллежи қурилиб, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув

юрлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-хунар коллежи ва лицей реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусика ва санъат мактаби, 112 та болалар спорт объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш ишлари ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. 2014 йилда 380 та умумтаълим мактаби, 161 та касб-хунар коллежи ҳамда академик лицейнинг реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланаёпти. 34 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратилиш кўзда тутилган.

Андихон, Қарши давлат университетларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юрларида янги ўқув бинолари ва ахборот-ресурс марказлари қуриш, шунингдек, 51 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 17 та олий таълим муассасасида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бу рақамлар нимани англатади? Аввало, бу мамлакатимизда ёшларга эътибор ва улар келажигига ғамхўрликнинг юксак намунасидир.

Давоми. Боши 1-бетда.

Ислохотлар тақдири ҳудудларда ҳал бўлади

# Муқим иш ўрни, сифатли маҳсулот

Иқтисодий тараққиётга хизмат қилади



**Бугунги кунда умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди.**

лефонлари, планшетлар, телевизор ва компьютерлар ҳамда дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Шу билан бирга, маҳсулотларни экспортга чиқариш географияси ҳам кенгайди. Мухими, шулар ҳисобидан 300га яқин янги иш ўрни яратилди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу эркин иқтисодий ҳудудда йил сайин янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда, — дейди **ЎзХДП Навбахор туман кенгаши раиси Умрзоқ Хўжаев**. — Айни пайтда мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган мазкур зонада нафақат Кармана, балки Навоий шаҳри, Навбахор ва Қизилтепа тумани ёшлари ҳам меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти — коллеж битирувчиларидир. Партиямиз сайловолди Дастурида муқим иш ўринлари турмуш фаровонлигининг муҳим асосларидан бири, деб таъкидланган.

— Мен 2013 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Hayat power cable systems» қўшма корхонасига ишга қабул қилиндим, — дейди **Ҳайтжон Нуруллаев**. — Биз бу ерда юқори кучлинишга чидамли электр кабеллар ишлаб чиқарамиз. Барча линиялар компьютерлаштирилган тизим орқали бажарилади. Вилоятимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган истиқболли корхоналар сонининг кўпайиши шунга мос равишда мутахассислар тайёрлашни талаб этмоқда. Корхонамизда ишлаётган ёшлар икки-учтадан замонавий мутахассисликни билишади.

Бугун Навоий вилоятининг иқтисодий ва саноат салоҳияти нафақат мамлакатимизда, балки халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Мазкур ҳудуднинг саноат салоҳияти кун, ой, йил сайин юқалиб бормоқда. Бунинг замирида, энг аввало, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдек улук ният мўжассамдир.

**Илхом САТТОРОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**муҳбири.**

ка маҳсулотлари, гигиеник воситалари, автомашиналар учун газ баллонлар, фармацевтика маҳсулотлари, энергия тежовчи чироклар, юқори кучлинишга чидамли электр кабеллар, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, модем ва телевизорлар учун приставкалар каби юқсак технологияларга асосланган маҳсулотлар маҳалли ёш мутахассислар томонидан тайёрланмоқда. Улар сифатли, рақобатбардош, халқаро стандарт талабларига тўлиқ жавоб беради. Бундай йирик ва кўламли лойиҳаларни амалга ошириш учун Хитой, Корея, Сингапур, Бирлашган Араб Амириклари ва Хиндистон каби давлатлар томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар киритилди. Ҳозирда ушбу ҳудудда ишлаб чиқарилаётган 10 га яқин маҳсулот МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда. Маълумотларга қараганда, 2013 йилда махсус зона ҳудудида жойлашган корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилда эса 5 янги лойиҳа — қуёш панеллари, қўл те-

Навоий вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги салоҳияти тобора юқалиб бормоқда. Вилоятда мустақилликнинг дастлабки йилларида саноат корхоналари 110 та эди, бугунга келиб улар сони 13 баробарга ошди.

Шунга мос равишда иш ўринлари ҳам яратилди. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 46 та эди, ҳозир эса 1385 та саноат корхонасида 300дан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Улардан ҳар учдан бири тайёр маҳсулот ҳисобланади. Биргина 2013 йилда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 6438.1 миллиард сўмни ёки 2012 йилга нисбатан ўсиш суръати 104.5 фоизни ташкил этди. Янги ҳудудий маҳсулот ҳажмида саноатнинг улуши 47.1 фоизга етди.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида Навоий том маънода саноатлашган, иқтисодий бакуват ҳудудга айланди. Айни пайтда мамлакатимизда тайёрланаётган рангли ва қимматбаҳо металлларнинг 73 фоизи,

уран ва фосфоритнинг 100 фоизи ушбу ҳудуд ҳиссасига тўри келади. «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, «Қизилқум-цемент», «Навоий иссиқлик энергия станцияси», «Навоийазот» ОАЖ, «Электромим завод» ЁАЖ сингари йирик истиқболли корхоналар нафақат мамлакатимизда, қолаверса, чет элларда ҳам машҳур. Мурунгов кончилик комплекси эса олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради.

Бундан ташқари, вилоят кумуш, вольфрам, уран каби қимматбаҳо қазилмаларга эга. Нитрон толаси, цемент ва бошқа қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ва ўсимлик зараркунандаларига қарши кимёвий воситалар сингари камёб ва

жаҳон бозорига хариддорғир маҳсулотлар ҳам шу ерда ишлаб чиқаришмоқда ва улар ҳам вилоятнинг саноат салоҳияти юқалишига катта таъсир кўрсатмоқда.

Президентимизнинг мазкур минтақада эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисидаги фармонининг эълон қилиниши вилоят иқтисодий-иқтисодий ривожига, айниқса, саноат тараққиётида янги сифат босқичини бошлаб берди. Жумладан, ушбу фармонда кўзда тутилган алоҳида солиқ ва божхона имтиёз ва қулайликлар қадим Кармана, қўҳна Маликчўл тараққиёти учун катта имкониятлар яратди.

Бугунги кунда юқоридagi фармонга кўра, умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилди. Чунотчи, автомобиллар учун бутловчи қисмлар, автомашиналар учун спидометр ва ручкалар, диодли лампалар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, тўлиқ қабул қилигчлар, косметика

2014 йил — Соғлом бола йили

## Компьютер қаршисидаги болалик

Сиз ҳар куни қўл телефонингизда нималарни олиб юришингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Мулоқот воситасидан ташқари, ёнингизда интернет, фотоаппарат, видеокамера, диктофон, соат, календарь, калькулятор, фонар, ўйин, мусиқа, телевизор, радио каби қурилмалар бўлади. Ажабланарлиси, яқин-яқингача улар алоҳида-алоҳида буюм сифатида харид қилинар эди. Компьютер ҳақида эса гапирмасам ҳам бўлади. Биргина интернет тармоғининг ўзида инсон тафаккур қилиши мушкул бўлган амаллар ва жараёнлар юз бермоқда.

Бугун кўпчилиكنинг хонадонига замонавий компьютерлар кириб келди. Шундай бўлса-да, интернет кафелар мижозлар билан тўлиб-тошади. Тўловларни пластик карточка орқали амалга ошириш мумкинлиги ҳам мижозларга қулайлик туғдиради. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда юртимизда мингдан ортиқ интернет клублари фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг бу мавзуга мурожаат қилишимизнинг сабаби эса интернет кафелар мижозлари орасида болаларнинг кўплигидир.

Хўш, улар мижозга қандай хизмат кўрсатмоқда? Клублар қонун талабларига мувофиқ ишлайптими?

Авалло, клублардаги ёзувларга эътибор берайлик: «Шовқин қилманг», «Чек-киш мумкин эмас», «Мақтаб ёшидаги болаларнинг дарс вақтида интернет-кафега кириши тақиқланади», «Компьютер экрани олдида узоқ муддат қолиш соғлиқ учун зарарли!», «Сийёсий ва порнографик сайтларга кириш ман этилади».

Афсуски, бу девордаги ёзувлар ҳолос. Агар клублардан бирига кириб қолсангиз борми, қулоғингиз том битида. Ёш мижозларнинг асабийлашаётгани сизни ташвишга солади. Бир гуруҳ ўспирин-ёшлар умумий тармоқ тизими орқали битта ўйинни турли томондан ўйнашади (очиги, айрим янги чиққан ўйинларнинг номи ва ёзилиши шу қадар

қийинки, айтишга тилингиз бормади). Бирлари «халоскор», бирлари «жосус», хуллас, бу вертуал оламда қуролсиз ва қон тўкмайдиган «қархорон»ни учратмайсиз. Ҳудуддан эрта чиқиб кетгани алам қилган Сарвар шериги Умид билан гўжиллашади. Бу фавглардан «кўзи пишиб» кетган администратор жаноблари бошини бир кўтарди-ю, «яна шовқин солсанглар, чиқариб юбораман» дея пўписа қилиб қўя қолди.

Умумий хулосалар шунга кўрсатадики, мижозларнинг аксарияти ўйинга муккасидан кетган болалар. Ҳатто уларнинг ўз ўтирадиган компьютерлари бор. Кузатиш баҳонасида бироз интернетга кирган одам бўлдим. Беш дақиқа ўтар-ўтмас ёнимда 13-15 ёшлардаги бола пайдо бўлди:

— Ака, бу менин доимий ўтирадиган жойим, ўйинимни ҳам шу ерга сақлаб қўйган эдим, бошқасига ўтирив, илтимос.

Уни гапга соламан:  
— Исминг нима?  
— Жавлон.  
— Бу ерга ҳар куни келсанми?  
— Ҳа, дарсдан кейин кираман.  
Унга жойини бўшатиб бердим:  
— Пулни қаердан олсан?  
У мониторингдан кўз узмай саволларимга жавоб қайтарди:  
— Ойим овқатга деб берадилар.  
— Овқат емасанми?  
Бола жавоб бермади... Шунда тар-



моқ ичида соатларнинг дақиқа тезлигида ҳаракатланиши ёдимга тушди. Рост, компьютер қаршисида вақт шу қадар тез ўтадики, ҳатто қорнинг очганини ҳам сезмай қолсан.

Энг ачинарлиси, ёш мижоз оч қолади, боши оғрийди, асабийлашади. Дарс вақтида ҳам унинг хаёлини жангвор манзаралар, отишмалар эгаллаб турмаслигига ким қафолат беради?

Экран қаршисида ёши каттароқ мижоз ўтирса, уни тушуна бўлар. Ҳар ҳолда очки қорандан ажрата олади. Болалар-чи?

Шунда бир ҳақиқатни англайсан: болалик чоғида бахтиёр бўлиш учун ақл, кексаликда эса вақт етмай қолар экан. Аммо на илож, ҳар қадамда турмуш ташвишлари билан бандлигимиз ҳам айна ҳақиқат. Бироқ бу жараёнларнинг назоратчиси ёлғиз ўзимиз эканлиги ҳам қандай аён.

Компьютер ўйинларининг мўмайгина даромад келтираётгани ҳеч кимга сир эмас. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида интернет-клубларнинг кеч соат 23.00гача фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган. Аммо айрим клуб эгаларининг ҳали-ҳамон яширинча тунги соатларда ҳам мижозларга хизмат кўрсатётгани қуллоққа чалиниб қолади. Масаланинг яна бир томони шундаки, болаларнинг компьютердан фойда-

ланиш кўникмаси тўла шаклланмаган. Ахир фойдаланувчи компьютер қаршисида қанча вақт, қандай узоқликда ўтириши билиши керак. Бу хусусда Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан компьютер техникаси фойдаланувчилари учун гигиеник талаблар ишлаб чиқилган. Шифокорларнинг айтишича, компьютердан 45 дақиқа фойдалангач, 10-15 дақиқа очик ҳавода айланиш керак. Чунки электромагнит тўлиқлар инсон организмга кучли таъсир ўтказиб, унда лейкемия (оқ қон) касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Унга-ча киши бош оғриги, ҳолсизланиш, уйқусизлик ва асабийлашишга мойил бўлиб қолади.

Хулоса ўрнида бир фильмнинг қисқа сюжети ёдимга тушди. Компьютер ўйинларига муккасидан кетиб, ўз ҳаётини унуттаётган болакай кичкинагина флешканинг ичига тушиб қолади. Унда сонсаноксиз вируслар, юкумли бактерияларнинг ҳужумига дуч келади. Фильм сўнггида болакай у ҳавас билан қарётган вертуал олам ўз ҳаёти, оиласи, яқинлари олдида сарқ чақага ҳам арзимаслигини тушуниб етади.

**Мубор ЭЛМУРОДОВ,**  
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистранти.**



## Сув тошқинлари



**ва қорамтир кулранг қор**

Буюк Британияда кучли пўртана (денгиз тўлқини) ва шаррос ёмғирларнинг вақти-вақти билан такрорланиши ўтган йилнинг ноябридан бери содир бўлмоқда. Натижада мамлакат фарби ва жанубидаги бир неча графликларда сув тошқинлари юз бермоқда. Бу эса бир неча кишининг ўлимига сабаб бўлди.

«Sky News» телеканали хабар беришича, Темза дарёсининг сув сатҳи ҳозир рекорд даражасида кўтарилган. Сув тошқини бартараф этиш ишлари 1600 нафар ҳарбий жалб этилган. Сомерсет графлигидаги бир неча туман эса саккиз ҳафтадирки, сув тошқиндан қутулган йўқ. Кўчалар ва ўйларни сув босган.

«Hiscox» халқаро сугурта компанияси ҳисоб-китобларига қараганда, сув тошқинларидан кўраганда, сув тошқинларидан кўраганда зарар 1 миллиард фунт стерлингдан ҳам ортиб кетиши мумкин.

Шунингдек, табиий офатлар

## Иммиграцияни чеклаш



**қўллаб-қувватланди**

Швейцарияда мамлакатга чет ўлкалардан муҳожирлар кириб келишини чеклаш масаласи юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилди, дея хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги. Мазкур масалани қўллаб-қувватлаганлар 50,3 фоизни ташкил этди. Бу борада асосан қишлоқ аҳо-

## Турмуш қуриш масаласи



**анча кеч ҳал этилмоқда**

Кўпгина мамлакатлар ёшлари орасида «карьер» масаласи биринчи ўринга чиқиб бормоқда. Бу эса турмуш қуриш ёши анча ўтиб кетишини юзага келтирмоқ-

## 260 мартагача ёзиш



**мумкин, бироқ нархи...**

Тайваннинг саноат технологиялари институти тадқиқотчи-

хуружи АҚШни яна синовдан ўтказмоқда. Қор бўронлари бир неча штатда қузатилиши ҳақида аҳоли олдиндан огоҳлантирилди. Шу сабабдан мамлакат жануби-шарқидagi аэропортларда табиий офатдан қўриладиган зарарнинг олдини олиш мақсадида 888 та парвоз қолдирилди. Жоржия, Алабама, Теннесси, Арканзас штатлари қор бўронларининг «эпицентри» бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Омскда эса фалати қор ёғди. Шаҳарнинг маҳаллий портали бўлмиш «Om1.ru» хабар тарқатишича, унинг фаройиблиги шундаки, қор қорамтир-кулранг тусида эди. Айнан бундай қор шаҳар яқинидаги Пушкино посёлкасига ҳам ёққан.

Ҳозир қор намуналари шаҳар лабораториясида ўрганилмоқда. Натижаси бугун-эрта эълон қилинади.

Тахминларга кўра, бу ҳолат шаҳардаги «Иссиқлик энергия маркази»дан тарқалган қул ва тутун тўйилги юз берган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Омскда бундай ноанъанавий қор ёғиши биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. 2012 йилда ҳам бу ҳолат икки мартаба такрорланган. «Омск телевизион компанияси» маълум қилишича, ўша йили ёз кўнларининг бирида шаҳарда оқ қукун зарралари «пайдо бўлган». Ўтказилган тадқиқот натижаларида бу қукун алюминий силикати эканлиги маълум бўлган.

лиси фаол қатнашди. Улар нарх-навоининг қимматлашуви ҳамда соғлиқни сақлаш масаласининг мураккаблашуви айнан муҳожирлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ, деб ҳисоблашмоқда. Шаҳарликларнинг аксарияти эса референдумда қарши овоз бердилар. Уларнинг фикрича, миграция иқтисодий ўсишни мувофиқлаштириб турувчи ричагдир.

Швейцария халқ партияси Европа Иттифоқига аъзо давлатлар фуқароларининг мамлакатга доимий яшаш учун кўчиб келишини чеклаш ташаббуси билан чиқди. Партия келтирилган маълумотга кўра, 8 миллионлик аҳолиси бор мамлакат ўтган йили айнан муҳожирлар ҳисобига 80 мингга қўйилган. Дарвоқе, Швейцария Европа Иттифоқига аъзо эмас.

да. Масалан, бугунги кунда немислар 30 ёшдан ўтгач турмуш қуришмоқда. Икки-уч йил аввал бу борадаги ўртача кўрсаткич эркаклар ўртасида 33, қизлар ўртасида эса 30 ёшни ташкил этган эди.

Германия Федерал статистика идораси манбаларига асосланиб хабар берилишича, бундан 44 йил муқаддам, яъни 1970 йили Фарбий Германияда эркаклар 26 ёшда, қизлар эса 23 ёшда турмуш қурган бўлса, собик ГДРда эркаклар 23 ёшда, қизлар эса 22 ёшда турмуш қурган.

лари янги турдаги сунъий «қоғоз» яратдилар.

«2R e-Paper» дея аталаётган мазкур «қоғоз» сирти суяқ хо-лестерин кристаллари аралаштирилган юпка пластик плёнка билан қопланганлиги ундан 260 мартагача фойдаланиш имконини беради, яъни ёзувлар билан тўлдирилган мазкур «қоғоз»ни терморептердан ўтказилса бас, у яна оппоқ ҳолатга келади ва яна ундан фойдаланиш мумкин. «Новости» АА маълум қилишича, «2R e-Paper» «қоғозининг «А4» ҳажмидаги бир донаси нархи 2 доллар агрофида туради.

Ижтимоий ҳимоя

# Меҳр қаердан бошланади?



**Фонд томонидан ўтган йил давомида ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионерлар, жисмоний имконияти чекланган кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрия тadbирлари ташкил этилди.**

да такомиллаштириш, масъулиятни чўқур ҳис қилишни талаб этмоқда. Хусусан, фонд фаолиятини янги босқичга кўтариш, Соғлом бола йили муносабати билан тарғибот-ташвиқот, маъ-

ридан ҳам ташаббус ва фидойилардан талаб этилади.

**Ийгилишда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси Асрор Мирзахмедовнинг 2013 йил якунлари юзасидан ҳисоботи тинланди.**

— 2013 йилда давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан фонд фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди, — деди у. — Хусусан, фонд ҳисоб-рақамига жами 1.603.248.659 сўм маблағ келиб тушди. Фонд ва унинг вилоят, туман ва шаҳар ваколатхоналари томонидан ёлғиз кекса, қариялар соғлигини муҳофаза қилиш, муҳтож беморлар учун малакали шифокорлар маслаҳати ва даволаш ишларини уюштириш, жисмоний имконияти чекланган кишиларни протез-ортопедия буюмлари ва техник воситалар билан таъминлаш, тиббиёт тизимиде олиб борилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўйиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Йил якунларига қўра, жамоат фондининг жами харажатлари 1.572.185.000 сўми, хайр-эҳсон, ҳомийлик харажатлари эса 1.382.156.925 сўми, шундан ҳўжалик харажатлари 12,1 фоизни ташкил қилди.

Албатта, бу ишлар меҳр-шаф-

Кимдир сизнинг ёрдамингизга муҳтож. Буни сезасиз, аммо баъзида унга вақт ажратолмайсиз. Кўнглингиздаги хайрли ишни қилиш учун кундалик ташвишлар сизга халақит беради. Бироқ одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардига дармон бўлиш, уларга оқибат кўрсатишдан, меҳр улашишдан ортиқ бахт борми дунёда?! Айни шу тушунчалар бизга нима учун яшаётганимизни англайди. Қалбимизда инсоний туйғуларни тарбиялайди. Яхшилик қилиш, ёрдамга шошилиш, кўнгли ўқсик инсонларга шодлик улашишдан муҳаббат, одамгарчилик, меҳр бошланади.

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди фаолияти ана шу эзгу мақсадларга қаратилган. Яқинда мазкур фонд васийлик кенгаши ҳамда бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2013 йилда амалга оширилган ишлар, жорий йилдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди.

**Ийгилишни Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фонд васийлик кенгаши раиси Анвар Алимов кириш сўзи билан очди:**

— Мамлакатнинг энг катта

бойлиги бу соғлом миллатдир. Юртимизда соғлиқни сақлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг замирида ҳам айнан соғлом миллат ғояси мужассамлашган. Ушбу эзгу мақсадларни амалга оширишда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» фондининг ҳам муносиб ўрни, ҳиссаси бор. Фонд томонидан ўтган йил давомида ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионерлар, жисмо-



Фарух АЛИЕВ олган суратлар.

ний имконияти чекланган кишиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрия тadbирлари ташкил этилди. Кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари соғлигини муҳофаза қилиш, уларни малакали шифокорлар кўригидан ўтказиш борасида ҳам муайян натижа-ларга эришилди. Шунингдек, мамлакатимиз даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари учун маблағлар ажратилди.

Аммо бугунги кун ишмизмиз яна-

навий-маърифий йўналишдаги ишларни кучайтиришимиз лозим. Бунда асосий эътибор оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, Муруват уйлари, руҳий касалликлар шифохоналари, махсус мактаб-интернатларга кириб бориш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳамкор ташкилотлар кўмағида мазкур муассасаларда тарбияланаётган болалар учун турли акциялар, байрам кечалари ўтказишга қаратилиши зарур. Бу ишларни амалга оширишда фондининг вилоятлардаги ваколатхонала-

## Шер...

Термиз ҳайвонот боғида 2013 йилнинг бошида олтита шер боласи туғилган бўлса, яқинда яна тўрттаси дунёга келди.



Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги арафасида бу ерда кенг қўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ноёб жонивор ҳамда қушлар олиб келинганди. Бугунги кунда боғда 360 турдан ортиқ жонивор парварош қилинмоқда. — Шер одатда бир ёки иккита болалайди, — дейди ветеринар Алиёр Жовлиев. — Богимиздаги шерларнинг дастлаб олтига, кейинчалик тўртта бола туғиши эса табиатда кам учрайдиган ҳодисадир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.



Жиззах вилояти Дўстлик туманида мавжуд 19 та умумтаълим мактабининг 14 таси спорт залига эга. Уларнинг 4 таси Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига янгидан қурилди, қолганлари эса мукаммал таъмирдан чиқарилди. Улар ўзимизда ишлаб чиқарилган 60 турдан зиёд спорт анжонлари билан жиҳозланган.

## Фарзандим соғлом бўлсин десангиз

уни спорт билан шуғулланишига эътибор қаратинг

Ана шу спорт объектидан самарали фойдаланиш, аввало, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз, айниқса, қизларимизнинг спортга бўлган қизиқишлари ҳамда интилишларининг орттишида муҳим омил бўлаёттир.

— Айни кунларда 8 минг нафардан зиёд ўқувчимизнинг 94 фоизи жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг жисмоний тарбия бўйича услубчиси Пўлат Сууюнов. — Уларнинг 43,2 фоизини қизлар ташкил этади. Спорт иншоотларининг кундалик ўртача бандлик даражаси 9 соатдан кам бўлмапти. Уларда 200 дан кўпроқ спорт тўрага доимий фаолият кўрсатмоқда.

Спорт масканларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда мураббий-устозлар зиммасига ҳам катта масъулият юкланди. Ҳозир туманда 45 нафар малакали жисмоний тарбия ўқитувчиси, 32 нафар спорт мураб-

бийи фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда хотин-қиз мураббийлар сафининг кенгайиб бораётгани кузатиляпти. Ўтган йилнинг ўзида улар қаторига яна 7 нафар хотин-қиз ўқитувчиси ва мураббий келиб қўшилди.

— Мен спортнинг стол тенниси турига қизиқаман, — дейди 3-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Равшан Собиров. — Устозим Шерзод Назаров кўрсатмаларига амал қилиб, машғулотларда астойдил қатнашяпман.

Тажрибали педагог Мурод Нурқобилов раҳбарлик қилаётган 4-умумтаълим мактаби чекка Қаҳрамон қишлоғида жойлашган. Мактабда 432 нафар бола таълим-тарбия олапти. Уларнинг ҳаммаси спортнинг у ёки бу тури билан доимий равишда шуғулланади. Биргина Дилдора Холиқова мураббийлик қилаётган бадий гимнастика тўрагаги машғулотларига 30 нафардан кўпроқ қиз фаол қатнашмоқда.

— Спортнинг ушбу тури қизларимизнинг соғлом, қадди-қоматлари келишган, чи-

ройли бўлиб ўсиб-ўлгайишларига ёрдам беради, — дейди мураббий. — Шу ўринда юртимизда хотин-қиз мураббийлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича янги, самарали тизим яратилганини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Бу эса чекка қишлоқларимизда ҳам аёл спортчи-мураббийлар, спорт билан мунтазам шуғулланаётган қишлоқ қизларининг кўпайишига туртки бўлмоқда.

Яна бошқа бир мисол. 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси Элмира Фозиева спортнинг енгил атлетика тури билан шуғулланади. У вилоят ҳамда республика биринчиликларида бир неча бор голиблик шохсўпасидан жой олди. Эндликда эса Осиё чемпионатига ҳозирлик қўраляпти.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, фарзанди соғлом бўлишини истайдиган ҳар бир ота-она уни спорт тўракаларига олиб бориши зарур.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## Эркин кураш

ўсмирларимиз иккита бронза медалини қўлга киритишди

Украинанинг Харьков шаҳрида хизмат кўрсатган спорт устаси Леонид Дунай хотирасига бағишлаб ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича аънавий халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Турнирда қатнашган спортчиларимиздан Ҳожиакбар Ўткиров (50 кг) ва Сирохиддин Ҳасановлар (60кг) бронза медали соҳиби бўлишди. — Болаларнинг иштирокидан қониқдим, — дейди эркин кураш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мураббийи Олим Ҳикматов. — Тўғри, уларга бироз тажриба етишмади. Бироқ бизда мавсум эндигина бошланди. Яқин ойлarda кўплаб халқаро мусобақалар бўлади. Ўйлайманки, улар кейинги турнирларда янада яхшироқ қатнашади.

**Шаҳбоз САИДОВ,**  
ЎЗМУ талабаси.



## Спорт

### Денис Истоминнинг муваффақияти

Теннис бўйича Монпельеда ўтказилган Open Sud de France халқаро турнирида мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомин жуфтлик баҳсларида галаба қозонди.



Бу муваффақият туфайли унинг дунё таснифидаги оқчолари сони 250 тага ошди. Натижада моҳир теннисчимиз 1055 очко билан 67-поғонадан 24-ўринга кўтарилди.

Яқалликда эса Денис Истомин халқаро теннис таснифида икки поғона юқорилди. Айни чоғда у 41-поғонадан жой олган.

Эслайтиб ўтайтиш, Денис шу haftaда Роттердам (Голландия)да бошланадиган ABN AMRO World Tennis Tournament баҳсларида қатнашади. Қуръага кўра, илк учрашувда ҳамюртимиз латвиялик Эрнест Гулбисга қарши кортга чиқади.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**  
ЎЗДЖТУ талабаси.

**ОБ-ҲАВО** 13-14 — 02. 2014

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-13 / -18 0 / -5

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-13 / -18 -3 / -8

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

-8 / -13 -3 / +2

Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари

-5 / -10 +2 / +7

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

-10 / -15 -3 / +2

Тошкент шаҳри

-9 / -11 -1 / +1

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +6 / +9

Париж +12 / +11

Москва -2 / -4

Мадрид +15 / +14

Пекин +4 / +8

Канберра +29 / +26

Рим +15 / +16

Афина +15 / +16

Токио +16 / +9

Стокгольм -2 / -2

Кейптаун +25 / +35

Қоҳира +27 / +27

Гавана +27 / +26

Вашингтон +5 / +7

**MUASSIS:**  
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

### TAHIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslhiiddin	(Bosh muharrir - birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**BO'LIMLAR:**  
Parlament faoliyati — 233-54-55; Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolatparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 260  
22082  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 21.00  
Toshirilgan vaqti — 02.00  
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:  
**Obiddin MAHMUDOV**  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
**Sobirjon TUNG'ATOV,**  
**Zafar BAKIROV**  
ISSN 2010-7633  
1 2 3 4 5